

Навоий вилояти ПЕРИНАТАЛ маркази беморларига аутсорсинг шартлари асосида
овкатланишини ташкил этиш учун

Ш А Р Т Н О М А № 1 2

2022 йил 25 октябрь

Навоий ш.

Навоий вилояти ПЕРИНАТАЛ маркази номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар Гафаров Ф.Б (кейинги уринларда “Буюртмачи” деб аталади) бир томондан ва **"SEMURG' NAVOIY" MChJ** номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор **Қўлдошев А.И** (кейинги ўринларда “Аутсорсер” деб юритилади), иккинчи томондан, кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Пулли хизмат кўрсатиш Шартномасига кўра, Аутсорсер Буюртмачининг топшириғи бўйича мазкур Шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3.-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар хар куни, Навоий вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази беморларини Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена меъёрлари, стандартлари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган таомномага мувофиқ уч маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати: 2022 йил 25 сентябрдан 2022 йил 25 октябргача.

1.4. Мазкур шартноманинг нархи шартноманинг 1-иловасига мувофиқ **91891092,80 (туксон бир миллион саккиз юз туксон бир минг туксон икки) сўм 80 тийин.** (шу жумладан, 15 фоиз ҚҚС) ташкил этади.

1.5. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган счёт-фактурани имзолаганидан, ҳамда Буюртмачи томонидан Аутсорсернинг мазкур шартномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига пул маблағлари ўтказилгандан сунг хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.1.1. Таомни ва тайёр маҳсулотни сифатли тайёрлаш бўйича санитария қоидалари, гигиена меъёрлари, беморларнинг тегишли тоифалари учун таъминот меъёрлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг таом тайёрлаш ва овқатланишни ташкил этишга тааллуқли қисмларидаги талабларга тўлиқ мос келадиган Хизматларни кўрсатиши.

2.1.2. Беморларнинг овқатланишини ташкил этишда тегишли сифат сертификатлари билан тасдиқланган озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланиши.

2.1.3. Давлат стратегик захирасини янгилаш тартибида Буюртмачининг бўлинмаларидан айрим ўзига хос озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиши.

2.1.4. Хизматларни мазкур Шартноманинг 1.3.-бандида кўрсатилган муддатда ва тулиқ ҳажмда кўрсатиши.

2.1.5. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, овқат сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғирлаши.

2.1.6. Таомни тайёрлаш жараёнига фақат белгиланган тартибда тиббий текширувдан (қуриқдан) ўтган ходимларга руҳсат этиши.

2.1.7. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидалари, шунингдек, ички кун тартибига риоя қилиш мажбуриятини юклаш.

2.1.8. Хизматларни бевосита кўрсатиши.

2.1.9. Буюртмачидан сарфланган озиқ-овқат маҳсулотларининг жами сўммасига нисбатан 20 фоизи устама ҳақи олиши.

2.1.10. Олинган 20 фоиз устама ҳақи маблағлари ҳисобидан:

- белгиланган тартибда у билан меҳнат шартномасини тузган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаши;

- Солиқларни тўлаши (ҚҚСдан ташқари);

- озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиши;

- озиқ-овқат маҳсулотларини савдо нукталаридан хизмат кўрсатиш жойигача етказиши;

- совуtuvчи компрессорлар ва бошқа жихозларни соз ҳолатда сақлаши, таъмирлаши, қайта тўлдириши;

- ижарага олинган бино, хона, мебель, инвентарь ва бошқаларни зарур ҳолатда сақлаши ва жорий таъмирлаши;

2.1.11. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва алоҳида ижара шартномасини расмийлаштирган ҳолда Буюртмачидан ишлаб чиқариш хоналари, жихозлар ва ошхона мебелини қабул қилиб олиши.

2.1.12. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тўтагунига қадар эса Буюртмачи шахсий таркибининг овқатланишини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши.

2.2. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.2.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган счёту-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар буйича ҳар ун беш кунда Хизматлар ҳақини тўлаши.

2.2.2. Фойдаланилган коммунал туловларни (белгиланган меъёрдан ошмаган қисмини: электр энергия, табиий газ, ичимлик суви ва сув оқава) тулаши;

2.2.3. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш топшириш далолатномаси ва алоҳида ижара шартномасини расмийлаштирган ҳолда, Аутсорсерга ошхоналарни ишлаб чиқариш хоналари, жихозлари ва мебель анжомларини “ноль” ставка буйича вақтинча фойдаланишга топшириши.

2.2.4. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Аутсорсерни бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши.

2.2.5. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, бажарилаётган ишларнинг юритилиши ва сифатини исталган вақтда текшириши.

III. Шартнома нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби.

Мазкур шартноманинг 1-иловасига мувофиқ хизматлар жами қиймати **91891092,80 (туксон бир миллион саккиз юз туксон бир минг туксон икки) сўм 80 тийин** ни ташкил этади. Ушбу умумий қиймат аутсорсернинг озиқ овқат харажатлари, унга белгиланган 20% устама, ҳамда устамага белгиланган 15 фоиз ҚҚС ни ўз ичига олади. Белгиланган устама, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 16-сонли қарори 2-иловасининг 2-боби, 7-бандида Аутсорсинг бўйича овқатланишни ташкил этиш хизмати нархи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган бир беморга бир кунлик овқатланишнинг нормасидан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан белгиланадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг энг юқори нархлардан ошмайдиган нархларига аутсорсернинг харажатларини қоплаш мақсадида 20 фоизгача устама белгилаш кўрсатилган бўлиб, шу асосга кўра белгиланган.

3.1. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар олдиндан 30% тўлов амалга оширилгач, ойда камида бир марта бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган счёту-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича амалга оширилади.

3.3. Овқатланадиган бир киши учун кўрсатиладиган хизматларнинг нархи, тегишли меъёрлар бўйича тузилган таомномада (озиқ-овқат маҳсулотларининг таксимотида) сарфланган озиқ-овқат маҳсулотларининг амалдаги нархи буйича Буюртмачи томонидан белгиланади. (Озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари Навоий вилоят ҳокимлигининг баённомаси билан расмийлаштирилиб, баённомада кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотлари нархидан баланд бўлмаслиги керак). Аутсорсер томонидан сарфланган озиқ-овқат маҳсулотларининг жами суммасига нисбатан 20 фоиз устама ҳақи кушиб ҳисобланади. Аутсорсер қушилган қиймат

солиғи туловчи хисобланса, жами кўрсатилган хизматлар учун (сарфланган озиқ-овқат маҳсулотлари суммаси, ҳамда 20% устама ҳақи сўммаси қўшилиб, жами кўрсатилган хизматлар деб хисобланади), 15 фоиз ҚҚС хисоблаб, буюртмачига счёт-фактура такдим қилади, Буюртмачи такдим қилинган счёт-фактурага асосан тўловларни амалга оширади.

3.4. Овқатланувчиларнинг амалдаги сони ҳақида маълумотлар ва овқатланадиган бир кишига курсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик таомномага (озиқ-овқат маҳсулотларининг таксимотига) мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн беш кунда тўланиши лозим бўлган суммани кўрсатган ҳолда, бажарилган ишларнинг йиғма далолатномасини тўзади ва счёт-фактурани расмийлаштиради, ҳамда улар Аутсорсер раҳбари ва Навоий вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази раҳбари томонидан имзоланади.

3.5. Буртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва счёт-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк иш куни давомида Шартномада кўрсатилган Аутсорсернинг банк ҳисоб рақамига тўлаб берилади.

3.6. Мазкур Шартномага 2-иловада кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари Томонлардан бирининг ташаббуси билан бир ойда камида бир марта қайта кўриб чиқилади.

IV. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1. Аутсорсер Буюртмачи шахсий таркибининг овқатланишини ташкил этиши бўйича шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятни бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий сўммаси кўрсатилмаган хизматлар нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича тулов мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда Аутсорсерга муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятни бажарилмаган қисмининг 0,4 фоиз миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий сўммаси бажарилмаган мажбурият суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.3. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.4. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмагани ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортиладилар.

4.5. Томонларнинг мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланилади.

V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар имкон қадар томонлар ўртасида музокара ўтказиш йули билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни томонлар ўртасида музокара ўтказиш йули билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширигандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда тегишли иктисодий судга кўриб чиқиш учун берилади.

VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолат енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавкулотда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

VII. Яқунловчи қондалар

7.1. Ушбу Шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сунг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартномага барча иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха бир хил юридик кучга эга ҳисобланади.

VIII. Мазкур шартномани амал қилиш муддати ва юридик манзиллар.

8.1. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигининг Навоий вилоят бошқармасида руйхатга олингандан сунг кучга кириди ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

IX. VII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ.

9.1. Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаробоғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характериға эға бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмағирлик, пора олишға бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

- Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилиға хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасиға қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашға қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

- Томонда ушбу Шартноманинг талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинли тўғрисидаги шубҳалар юзаға келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса – амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўзиммасиға олади

IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

«Аутсорсер»

«Букортмачи»

"SEMURG' NAVOIY" MChJ

Юридик манзилгоҳ Navoiy shaxri

IBN-SINO KO'CHASI 22-UY 331-XONA

ТЕЛ: 94-483-39-39

Х/р 20208000505171880001

Банк номи Navoiy sh.Узсаноатқурилиш

БАНКИ АТБ

Банк коди(МФО) 00440

ИНН 307092134

Навоий вилояти ПЕРИНАТАЛ маркази

Юридик манзилгоҳ _ Навоий шахри

_Ибн-сино кўчаси-27В

ТЕЛ: 79-220-30-36

ШХ/Р_100021860124017073310054001

Банк номи Марказий банк Навоий шахри

Банк коди(МФО)_ 00014

Ташкилот СТИР_ 203844169

Ғазна булими:Ўз Рес Молия Вазирлиги Ғазнаил

Ғазначилик х/р:23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий Тошкент ш ББ

Банк коди(МФО)_ 00014

Ғазначилик СТИРи: 206922092

Рахбар _____ Рафаров Ф.Б

(Ф.И.О.)



Рахбар Қулдошев А.И

(Ф.И.О.)

(имзо)



Рахбар _____ Рафаров Ф.Б

(Ф.И.О.)

(имзо)

Handwritten signatures in blue ink at the bottom of the page.

2022 ЙИЛ ОКТАБРЬ ОЙИ УЧУН ОЛДИНДАН КЕЛИШИЛГАН
ШАРТНОМА НАРХИ

№	Озик-овкат таъминотидаги беморлар сони	Кун сони	Бир нафар овкатланувчининг бир кунлик овкат нархи (сўмда)	Жами овкат нархи (сумда) (2 уст.х3 уст.х4 уст.=5 уст.)
1	2	3	4	5
1	160	31	18 526,43	91 891 092,80
	Ж А М И :			91 891 092,80

Жами суммаси: 91 891 092,80 (туксон бир миллион саккиз юз туксон бир минг туксон икки) сўм 80 тийин.

Буюртмачи

НАВОЙИ ВИЛОЯТИ ПЕРИНАТАЛ
МАРКАЗИ



Ф.Гафаров

Аутсорсер

“SEMURG` NAVOIY” МЧЖ



А.Кулдошев

2022 йил 25 октябрдаги 12-сонли шартномага асосан 2-илова

Марказдаги беморларга 2022 йил октябрь ойи учун етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотлари
КУТИЛАЁТГАН ХИСОБ-КИТОБ КИЙМАТИ (160 беморга)

Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Миқдори	Сумма	Жами сумма
Сут пастеризацияланган, литр	литр	1 290,246	9 000,0 ✓	11 612 210,0
Мол гушти	кг	509,223	68 000,0 ✓	34 627 150,0
Картошка	кг	506,390	4 000,0 ✓	2 025 560,0
Пиёз	кг	110,203	3 000,0 ✓	330 610,0
Сабзи	кг	122,662	2 500,0 ✓	306 655,0
Аланга гуруч	кг	104,791	11 000,0 ✓	1 152 700,0
Сариёғ (сливочное масло) 82,5% кг	кг	137,569	50 000,0 ✓	6 878 450,0
Колипли нон (500г) (кг)		1 020,690	5 000,0 ✓	5 103 450,0
Усимлик ёғи (литр)	литр	7,856	22 000,0 ✓	172 822,2
Кефир (0,5литр ПЭТ), литр	литр	383,200	7 000,0 ✓	2 682 400,0
Сули ёрмаси	кг	91,629	7 000,0 ✓	641 400,0
Туз	кг	36,762	1 500,0 ✓	55 143,0
Перловка	кг	20,415	6 000,0 ✓	122 490,0
Манни ёрмаси	кг	81,815	9 000,0 ✓	736 335,0
Шакар	кг	116,133	13 000,0 ✓	1 509 735,0
Чай	кг	5,098	33 000,0 ✓	168 234,0
Ёрма	кг	29,895	4 500,0 ✓	134 527,5
30% кам булмаган томат пастаси	кг	4,931	25 000,0 ✓	123 282,0
Курук мева	кг	60,080	30 000,0 ✓	1 802 400,0
Тухум 1 категория	дона	2 282,615	1 300,0 ✓	2 967 400,0
Гречка	кг	58,540	17 000,0 ✓	995 180,0
Карам	кг	121,050	2 000,0 ✓	242 100,0
Макарон олий навли	кг	33,473	9 500,0 ✓	317 992,5
Итого		7 135,266	340 300,000	74 708 226,19

Овқатланиш пули миқдори (160 беморга)	74 708 226,19
Бир беморга бир кун учун	15 062,14
Қўшимча 20% устама (хизмат ҳақи)	3 012,43
Хизмат ҳақидан 15 % ҚҚС	451,86
Жами нархи 1 ўрин кунга	18 526,43

Изоҳ: Юқоридаги озиқ-овқат ва кичик хўжалик маҳсулотларининг нархлари Навоий вилояти ҳўқарат қўрағанининг 2022 йил 12-октябрдаги № 02-02/483-сонли йўриқли буюртмасига асосан ОКТАБРЬ ойи учун ишлаб чиқилди.



БУЮРТМАЧИ

Ф.Гафаров



ЎТСОҒИЕР

А.Қўдошев



2787761

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"SEMURG" NAVOIY Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"SEMURG" NAVOIY MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

04.02.2020

809544

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Solliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

307092134

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:


Navoiy viloyati, Navoiy shahri, "YANGIOBOD" MFY, IBIN-SINO KO'CHASI
22-UY, 331-XONA,

Guvohnoma:

Navoiy viloyati, Navoiy shahri, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI

to'monidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi)



**Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА**

**2022 йил 25 октябрдаги Навоий вилоят Перинатал маркази билан "SEMURG NAVOIY" МЧЖ
ўртасида 91891092,80 сўмлик умумий сўммага тузилган № 12 - сонли шартномага
ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ**

Боб : 054

Шахсий ғазна ҳисобварақ: 100021860124017073310054001.

2022 йил ойлар номи	Харажатлар тури ** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4252300.			
январ				0
феврал				0
март				0
апрел				0
май				0
июн				0
июл				0
август				0
сентябр				0
октябр	91891092,8			91891092,8
ноябр				0
декабр				0
Йил учун жами	91891092,8	0	0	91891092,8

Жами 91891092,80 (Тўқсон бир миллион саккиз юз тўқсон бир минг тўқсон икки сўм 80 т)

Юқоридаги кўрсатилган сўммадан **27567328** сум ёки шартноманинг умумий сўммасидан
30 % 2022 йил октябр ойида тўланиши лозим.

(***)- Юқоридаги кўрсатилган сўммадан ойига _____% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда
олдиндан тўланиши лозим.


(*) -бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига
икки нусхада тақдим этилади

(**) - бўлим. Кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади

(***) - (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал
хизматлар курсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда
товарлар, (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш
ҳолларида тўлдирилади.)




Буюртмачи раҳбари:


имзо

Ф.Б.Гафаров

Буюртмачи
бош бухгалтери :


имзо

Ш.Хамроев

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

имзо

20__йил " __ " _____

20__йил " __ " _____